



ПРЕЗИДЕНТ БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабрь кунини Буюк Британия ва Шимол-Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафот этган қайғули кунларда Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдарлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун Британия ҳукуматига самимий миннатдорлик изҳор этди. Алан Дункан Самарқандга ташрифи чоғида Буюк Британия раҳбарияти номидан Биринчи Президентимиз қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат баҳо келтирганини Ўзбекистонда юксак қадрлади.

Ўзбекистон Буюк Британияни жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган давлат, деб билади ва сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш, халқаро майдонда, жумладан, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратади.

Алан Дункан, ўз навбатида, Шавкат Мирзиёевни Президент сайловида ишончли галаба қозонгани билан муборакбод этди. Буюк Британия давлатимиз раҳбари бошлаган ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаши ва Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти билан Ўзбекистон — Британия ўртасидаги серқирра ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Урашувда Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигининг барча йўналишлари юзасидан афрофлича фикр алмашилди.

Сўхбат чоғида бугунги кунда улкан имкониятлар мавжуд бўлган савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштириш янада муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Буюк Британия капитални иштирокида тузилган 544 корхона фаолият юритмоқда.

Жорий йил 17 ноябрь кунини Британиянинг 30 дан ортиқ компанияси вакиллари иштирокидаги Ўзбекистон — Буюк Британия савдо ва саноат кенгашининг 23-мажлиси самарали ўтди. Унинг якунлари мамлакатимизда барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўлмали ислохотлар, хусусан, сўнгги йилларда бизнес муҳитни яхшилаш ва хусусий тадбиркорлик ролини кенгайтиришга қаратилган қарорлар самарасида ушбу мамлакат етакчи компанияларининг жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон бозорига қизиқиши ортаётганидан далолат беради.

Томонлар маданий-гуманитар ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини, жумладан, Халқаро Вестминстер университети, Кембриж университети иштирокидаги Юқори технологиялар маркази ҳамда Британия кенгаши ваколатхонасининг мамлакатимиздаги фаолиятини юқори баҳолади. Ўзбекистонда, айниқса, ёшлар ўртасида инглиз тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани инобатга олиниб, ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қелишиб олинди.

Сўхбатда Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎЗА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлар!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг қизгин табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллаш мени чексиз қувонтиради.

Сиз Жаноби Олийларига ушбу масъулиятли лавозимда улкан муваффақиятлар, ўзбек халқига хайру-барокатлар ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлидаги ўзаро ҳамкорлигимизга доимий раванг ва тараққиёт тилаб қоламан.

Юксак ва самимий эҳтиром билан,

Халифа бин Зайд Ол НАХАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

► Давоми 2-бетда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 16 декабрь кунини халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз жанабуй ҳудудининг улкан иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича бошланган кенг қўлмали ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалмоқда.

Вилоятда сўнгги йилларда амалга оширилган энг катта лойиҳалардан бири божхона терминали бўлган «Termez Cargo Centre» халқаро логистика марказидир.

Катта миқдордаги юкларга ишлов бериш ва уларни тушириш-ортиш ишлари амалга ошириладиган мазкур корхона ҳудудига божхона терминали биноси, 300 катта юк машиналарига мўлжалланган жой, автомобильга ёқилиш қўйиш станцияси, контейнер ва бошқа юкларни сақлаш омборлари жойлашган, бу ерга темир йўл линияси олиб кирилган.

Бундай мажмуаларнинг барпо этилиши тадбиркорлар учун яратилган шароитларни янада яхшилаш, хорижий давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, мамлакатимиз транзит салоҳиятини юксалтириш имконини беради.

Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объекти барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Сурхондарё вилоятининг унумдор тупроғидан, қўشли иқлимидан оқилона ва самарали фойдаланишимиз керак. Вилоятда 2019 йилгача босқичма-босқич 26 минг 800 гектар, жумладан, 2017 йилда 18 минг гектар пахта майдони қисқартирилади. Унинг ўрнига мева-сабзавот етиштирувчи фермер хўжаликлари ташкил қилинади, деди Президентимиз.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта экани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз вилоятда йўл қўйилган камчилик ва мавжуд муаммолар ҳақида афрофлича тўхталиб ўтди.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 16 декабрь кунини халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, турли тармоқларда салмоқли ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқда.

Вилоят иқтисодиёти сўнгги беш йилда бир ярим баробар ўсди. Бугунги кунда вилоятда 2 минг 240 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Келгуси беш йилда «Қандим гуруҳи» қониди газни қайта ишлаш комплекси барпо этиш», «Газли қониди нефтни қазиб олиш миқдорини ошириш», «Денгизқўл, Хўжадавлал ва Шарқий Олот газқондент конларини ўзлаштириш» каби стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда.

Сессияда вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда муайян камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибиди саноатнинг улуши мамлакатимиз бўйича эришилган марралардан анча орқда қолаётгани, қишлоқ хўжалигида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш бўйича белгиланган дастурлар ижроси етарли даражада таъминланмаётгани танқид қилинди.

Бухоро вилоятида юксак марраларни эгаллаш биз қўзғалган қўғина марраларга эришишда, аввало, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини ошириш, ишлаб чиқариш суръатларини

ўстириш, бугун воҳа қиёфасини ўзгартиришда саноатнинг ривожини устувор ўрин эгаллайди, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мутасадди раҳбарлар вилоятдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши зарурлигини таъкидлади.

Сессияда вилоят қишлоқ хўжалигида ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни давом эттириш, бунда асосий эътиборни пахта майдонларини қисқартириш ҳисобидан мева-сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кескин ошириш масалалари афрофлича муҳокама этилди.

Навоий, Жиззах, Ангрен ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатаётган. Бу тажрибани кенгайтириш мақсадида Ғиждувон туманида ҳам ана шундай саноат зонасини ташкил этиш кўзда тутилаётган.

Бухоронинг туризм салоҳияти жуда катта. Уни янада ошириш ҳамда самарали фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Олот, Қорақўл, Ромитан, Шофиркон туманларида терини қайта ишлашни йўлга қўйиш султ ҳолатда, шўрланган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур шароитлар яратиш, қасанақчилик, паррандачилик, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича ишлар бугунги талабга жавоб бермайди.

Мажлисида бундай вазифаларни амалга ошириш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, Бухоро вилоятининг шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги қайд этилди. Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Муҳиддин Эсонов Бухоро вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан «Ўзагроким» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимидан ишлаб келаётган Ўқтам Барноев Бухоро вилояти ҳокими этиб сайланди.

Вобкент тумани ҳокими Асқар Жадовов, «Нуроний» жамғармаси Олот тумани бўлими раиси Саидқул Оқиев, Бухоро вилояти рус миллий маданий маркази раиси ўринбосари Ольга Ермилова ва бошқалар Президентимиз нутқида Бухоро вилоятини ҳар томонлама тараққий эттириш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўз ечимини қутаётган муаммоларни бартараф этиш, бошқарув тизимидagi раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини янада оширишга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилганини, вилоят аҳолиси билдирган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқларда юксак натижаларга эришиш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

М.ЭЛМУРОВОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э.О.ТУРДИМОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Эркинжон Окбаевич Турдимов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Навоий вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т.Н.МАМАРАИМОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Тожимурод Нормуродович Мамараймов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ў.И.БАРНОЕВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ўқтам Исоевич Барноев Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М.Т.ЭСОНОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Муҳиддин Турдиевич Эсонов Бухоро вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Фархрух АЛИЕВ олган сурат.

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида узқони қўзлаб илгари сурилган гоёлар, ҳаётини ташаббуслар ва аниқ вазифалар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтиришда,


инсон манфаатларини ҳимоя қилишда халқ билан мулоқотнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс экани таъкидланди.

Йиғилишда янги йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон мафратлари йили» деб белгиланиши муносабати билан партия ташкилотлари, депутатлар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу асосда партиянинг чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Газетамизнинг навбатдаги сонидида бу ҳақда батафсил ўқийингиз мумкин.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ



ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ — демократик ислохотларнинг бош мезони

МУНОСАБАТ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жанои Олийларига

Жанои Олийларига!
Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз билан табриклаймиз.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг муҳим мамлакатидир ва илгари сурилатган ислохотлар Сизнинг давлатингиз ва бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга. Европа Иттифоқи бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёрдир.

Сиз билан тез орада учрашишга ҳамда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида келгуси йилларда ҳамкорлик қилишга умид билдираёмиз.

Сизга масъулиятли ва муҳим вазифангизда улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Самимият билан,

Европа Кенгаши номидан
Доналд ТУСК
Европа Комиссияси номидан
Жан-Клод ЮНКЕР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жанои Олийларига

Жанои Олийларига!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганингиз билан самимий табриклайман ва ушбу масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Халқингизга тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Филипп,

Бельгияликлар Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жанои Олийларига

Жанои Олийларига!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганингиз билан Сиз, жаноб Президентга ўзининг самимий табригини йўллайман ва масъулиятли олий вазифангизни бажаришда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жанои Олийларига, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Саули НИЙНИСТЁ,
Финляндия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жанои Олийларига

Жанои Олийларига!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман, Ўзбекистон Республикаси ва халқига энг эзгу истакларимни йўллайман.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон ва унинг халқи янада гуллаб-яшнашига ишонаман.

Сизга жамият ва иқтисодиётда ислохотларни амалга оширишда муваффақиятлар тилайман. Сиз бошлаган ташаббуслар бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва фаровонликка ижобий таъсир кўрсатишига аминман.

Сизни ишонтириб айтаманки, Эстония Ўзбекистон билан мамлакатларимиз тараққиёти учун яқин ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр.

Жанои Олийларига, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Керсти КАЛЪЮЛАЙД,
Эстония Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жанои Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирзиёев!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий табриклайман.

Ўзбекистон халқи Сизга юксак ишонч билдириб, мамлакатда барқарорлик, тинчлик ва тараққиёт давом этиши учун ўз танловини амалга оширди. Сизнинг фаолиятингиз самарасида Ўзбекистон янада юксак марраларни забт этишига ишончим комил.

Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида янада ривожланишига ишонаман.

Жаноб Президент, Сизни яна бир бор муборакбод этиш ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилашга руҳлат бергайсиз.

Ҳурмат билан,

Григорий МАРГВЕЛАШВИЛИ,
Грузия Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўлаган:

Канада генерал-губернатори — Дэвид Жонстон

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондонини ўринбосари, Абу Дабби Амирлиги валиаҳди — Шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош қотиби — Рашид Алимов

Энергетика Хартияси Бош қотиби — Урбан Руснак

БМТ Бош қотиби махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари — Петко Драганов

Конрад Аденауэр номидаги жамғаримнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили — Томас Кунце

Ислом тарихи, санъати ва маданияти илмий-тадқиқот маркази Бош директори — доктор Халил Эрен

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — Кэролин Лэмми

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — Стивен Надерни

«Женерал Моторс интернэшнл» компанияси президенти — Стефан Якоби

Ўзбекистон — Швейцария Савдо-саноат палатаси вице-президенти — Хайнц Висслинг

«Шиндонг Ресурсез» компанияси президенти — Ким Ёнг Гу

«Мицубиши Корпорейшн» катта корпоратив маслаҳатчиси, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси — Микио Сасаки.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш парламентнинг жамиятимиз ҳаётидаги таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади.

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ — демократик ислохотларнинг бош мезони

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқда мамлакатимизни келгуси йилларда изчил ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларни ўйлантираётган муаммоларни кечиктирмасдан ҳал этиш билан боғлиқ муҳим масалалар кўтарилди, аниқ вазифалар белгиланди. Мажлисда илгари сурилган фикрлар халқимизнинг юрагига етиб борди, одамларимизнинг кўнглини кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Президентимиз белгилаб берган бугунги кунимиз учун ниҳоятда долзарб масалалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаоллари, депутатлар, экспертлар томонидан чуқур ўрганилмоқда.



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Қўшма мажлисда жамиятимизнинг барча соҳаларини жадал ривожлантириш, одамлар учун яхши турмуш шароитларини яратиш, хусусан, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида муҳим масалалар ўртага ташланди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати олдида қўйилган долзарб вазифалар жамият ривожига катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Хусусан, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳолининг ўрнини, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритиш тартибини жорий этиш таклиф этилган. Биз депутатлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу, биринчи навбатда бизга ишониб овоз берган сайловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, шу билан бирга, ижро ҳокимияти масъулиятини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

«Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш парламентнинг жамиятимиз ҳаётидаги таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади. Чунки парламент мамлакатда кенгайтган ҳар бир ўзгариш ва янгиланишларнинг бошида бўлиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишда асосий механизм вазифасини ўташи керак.

Бунда айнан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш муҳим ўрин тутди. Фикримча, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҳар бир фракция ўзининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари билан тез-тез учрашиб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлаши, ижро ҳокимиятининг масъулиятини оширишга эътибор қаратиши лозим.

Барча масалаларни фақатгина ижро ҳокимиятига юклаб қўймасдан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ҳам ўз позициясини билдириши, амалий натижалар учун тинимсиз ҳаракат қилиши лозим.



Ҳасан НОРМУРОДОВ,
«Нуроний» жамғармаси
Самарқанд вилояти бўлими
раиси, халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги ЎзХДП
гурухи аъзоси:

— Қўшма мажлисда кексаларга эътибор кўрсатиш, уларнинг кўнглини олиш, ижтимоий таъминотини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз, жумладан, шундай деди: «... ёши улуг инсонлар, катта авлод вакиллари эътибор ва амалий қўллаб-қувватлашга эришиш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади».

Албатта, кексаларни эъзозланган, қадрланган халқ заволи

қўрмайди. Ёши улуг инсонларнинг кўнглини олган раҳбар доимо халқ ардоғида бўлади.

Таъкидланганидек, пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат қўмагини кучайтириш бўйича айни пайтда кенг қамровли чоралар қўйиб, ҳодимлар штатларини кўпайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бўйича қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш қўйилиши қайд этилди.

Бу борала «Нуроний» жамғармаси олдида ҳам жуда катта вазифалар турибди. Нутқда ушбу тузилманинг қамровини кенгайтириш, ҳодимлар штатларини кўпайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бўйича қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш қўйилиши қайд этилди.

«Нуроний» жамғармаси кексаларимизнинг ҳақиқий ғамхўри ва қўмақчисига айланиши керак. Шундагина унинг одамлар, жамият ҳаётидаги ўрни янада ошадди. Чунки бу жамғарма фаоллари одамлар ичига кириб борган: қарерда қандай камчилик бор, ким ёрдамга муҳтож, кимнинг саломатлиги йўқ, буларнинг барчасидан яхши хабардор.

Фарзандларимизни, набираларимизни ҳар томонлама билимли, зукко, ватанига садоқатли, ота-онасини ҳурмат қиладиган, олдида юқори мақсадлар қўя оладиган инсонлар қилиб қамолга етказиш бизнинг бурчимиз.

Биз бунга яхши англаб, билиб турибмиз. Айрим ҳолларда фарзандларимизни нотўғри йўлга кириб кетишидан асраб қўлолмаётган пайтларимиз ҳам йўқ эмас. Демак, биз оиладаги, фарзандлар, набиралар тарбиясидаги таъсир кучимизни янада оширишимиз керак, деб ўйлайман.

фikirлар айтилди: «Биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўлинидаги бўлинилари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатидиган, ихтисослашган махсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш Ҳукуматнинг эътибор марказида бўлиши даркор».

Худди қишлоқ врачлик пунктлари сингари оилавий поликлиникалар ҳам аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутди. Чунки бу тузилма бевосита оилаларга кириб бориши, ҳар бир оила аъзосининг саломатлигини ўрганиши ва тезда зарур чораларни кўриши лозим.

Бироқ тан олиш керак, биз, тиббиёт ҳодимлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўла-тўқис адо этаяпмиз, деб айти олмаёман. Малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, дори-дармон таъминоти, ҳодимларимизнинг аҳолига хизмат маданиятини ошириш масалаларида камчиликлар оз эмас. Замон олдимизга қўётган талаблардан келиб чиқиб, ишимизни тубдан қайта қўриб чиқишимиз, аҳоли саломатлигини асрашда фидойи бўлиб хизмат қилишимиз зарур.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРМОВ Эъзоб олди.

■ «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР

йигит-қизлар танловининг якуний босқичига тайёр

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимизда «Ёш сиёсатчи-2016» кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди. Танловдан олдин Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган йигит-қизлар катта ҳаяжон, улкан таассуротлар оғушида пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Куннинг иккинчи ярмида Темурийлар тарихи давлат музейида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда «Ёш сиёсатчи — 2016» танлови ташаббускори — ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳодимлари, «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари, танловнинг финал босқичи иштирокчилари, худудий босқичларда 2- ва 3-ўринни эгаллаган ёшлар қатнашди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ёшлар ўртасида кечган суҳбат самимий ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

Танловнинг нуфузи ортганини иштирокчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин, дейишди сўзга чиққанлар. Хусусан, 2008 йилда «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида 4 000 нафар ёш иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич қарийб 20 000 нафарни ташкил этди. Шунинг ўзиёқ натижалар қай даражада ўсганини кўрсатади.

— Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини ошириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик



Фототўрғу АЛИЕВ олган сурат.

жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Шунинг алоҳида таъкидлаши истардимки, танлов қатнашчилари чуқур

билим олгани, уларнинг ҳаммаси Ватанимиз равнақиға ҳисса қўишни хоҳлайдиган, эътиқодли, иродали йигит-қизлар экани мени қувонтирди.

— Навоий вилоятидан келдим, — дейди Навоий давлат педагогика институтини талабаси, танловнинг республика

босқичи иштирокчиси Мирсайдбек Жалилов. — Албатта, пойтахтимиздаги ўзгаришлар, бунёдкорликларни кўриб, кўзларимиз қувончга, қалбларимиз фахр-ифтихорга тўлди. Нуфузли танловнинг республика босқичи иштирокчиси эканимдан, янги дўстлар орттиришимдан хурсандман. Ҳар бир масалада ўз сўзимиз, мустақил фикримиз, фаол фуқаролик позициямизга эга бўлмоқчимиз, ажодларимиздан мерос қолган она заминимизни асраб-авайлашимиз зарур.

Депутатлар ёшларга қонунлар ижроси бўйича олиб қўйилган назорат-таҳлил ишлари, қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этиш масалалари юзасидан ҳам атрафлиқа тушунчалар беришди.

Давра суҳбати савол-жавоб, баҳс-мунозараларга улашиб кетди.

«Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловига ким қолиб, ким совриндор бўлади? — Бу ҳақда га-зетамизнинг навбатдаги сонида батафсил ҳикоя қиламиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ
МАНФААТИ

■ 2017 йилда 508,8 минг нафардан зиёд касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАПАРЛАМЕНТ
КОМИССИЯСИ
ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотариат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда парламент комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотариат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси Президенти Исмоил Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани жамиятимизда демократия ислохотлари янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари бу борадаги тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ фуқаронинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 1,4 мингга яқин оммавий ахборот воситаси, сақсиз ярим мингдан кўпроқ нодавлат нотариат ташкилотлар жамиятимизнинг турли соҳаларида самарали фаолият юритаётди.

Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотариат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси томонидан 2008-2016 йилларда фуқаролик жамияти институтлари, ННТлар ва ОАВларнинг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга мўллик лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 58,8 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бундай чора-тадбирлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда нодавлат нотариат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти йилдан-йилга ошмоқда. Жорий йилда ҳам бу йўналишда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда икки юздан кўпроқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлат ижтимоий буюртма ва грант лойиҳалари натижаларини мониторинг қилиш ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилда шу мақсадда қўшимча танловлар эълон қилиниб, жамоат ташкилотларининг қирқдан зиёд лойиҳаларини молиялаштиришга давлат гранти шаклида бир миллиард сўм йўналтирилди. Жамоат ташкилотлари ушбу лойиҳалар доирасида аҳоли ўртасида кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, тиббий-экологик, маънавий-маърифий, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу маҳалларда ҳамжihatлик муҳитини кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш, ҳозирнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётди.

Йиғилишда Парламент комиссияси ва Жамоат фонднинг янги тахрирдаги низомиларини тасдиқлаш тўғрисида, жамият ҳаётидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий масалаларни ҳал этишда ижтимоий шерикчиликни мустаҳкамлаш, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат грантлари ажратиш бўйича қўшимча танловларнинг яқинлари ва бошқа масалаларга оид маърузалар тинглан-ди ва истикболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.ҲАР БИР ИШ ЎРНИ УЧУН
КУРАШИШИМИЗ ЗАРУР

Бугун жаҳоннинг турли ҳудудларида ҳукм сураётган нотинчлик, қатор давлатлар тараққоётини орқага тортаётган ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, хунрезликларнинг асосий сабабларидан бири аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи билан боғлиқ муаммоларга бориб тақалиши таъкидланмоқда. Халқаро экспертлар ишсизликни камайтиришда энг муҳим омил давлат ва жамият сая-

ҳаратларини бирлаштириш эканини айтишяпти.

Демак, меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб бориш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини ташкил этиш бугуннинг долзарб вазифасига айланди.

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тасдиқланди.

Унга кўра, келгуси йилда саноатда

(131,1 минг), хизматлар соҳасида (69,5 минг), қишлоқ хўжалигида (55,8 минг), қурилишда ва инфратузилма лойиҳаларида (88,9 минг), шунингдек, бўш турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига (44 минг) янги иш ўринлари ташкил этиш, шу орқали 389,3 минг кишини доимий иш билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бу кенг қамровли Дастурдан

халқимиз, мамлакатимиздаги деярли ҳар бир оила манфаатдор, албатта. Айниқса, бу Дастур таълим даргоҳларини тамомлаб, ҳаётга умид билан кириб келаётган ёшларимизнинг келажаги, тақдирида муҳим ўрин тутди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари билан 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, унинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.



Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси:

— Одамларнинг муносиб иш ўрнига эга бўлиши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор иш ўринлари ташкил этиш, ҳудудларда меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланишга қаратилган тегишли дастурлар қабул қилинади.

Авалло, таъкидлаш керакки, Дастурда демографияк омиллар ва иқтисодиётдаги тарқибий ўзгаришлар ҳисобга олинган. Унда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шулар орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Келгуси йилда аҳолининг ўзини иш билан таъминлашини рағбатлантириш ҳисобига 308,6 минг фуқаро, шу жумладан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида 272,7 минг кишида, хунарамандчиликда ва оилавий тадбиркорликда 35,9 минг кишида даромад манбалари пайдо бўлади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида 97,7 минг иш ўрни яратилади. Қишлоқ хўжалигида ва қурилишда йилига ўртача 199,1

минг киши мавсумий ҳамда вақтинчалик иш ўринлари билан таъминланади.

Иш ўринларини яратишда инвестиция дастури, саноатни устувор ривожлантириш дастурлари, саноат зоналарини яратиш ва улар фаолиятини ташкил этиш, қурилиш ташкилотларини ривожлантириш, тўқимачилик ва бошқа тармоқларни модернизациялаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш асосий омил бўлади.

Айтиш керакки, Навоий, Тошкент ва Жиззах вилоятларида маҳсул индустриал зоналарнинг фаолият юритиши барқарор янги иш ўринлари ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Натижада иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида (транспорт, қурилиш, ижтимоий инфратузилмада) иш ўринлари очилиши кафолати ҳам мустаҳкамланди.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаш керакки, кичик бизнес, оилавий ва якка тартибдаги тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжалиқларида аҳолини ишга жойлаштиришнинг реал, мақбул шакллари таъкид олинди.

Уй меҳнати билан бандлиқнинг сезиларли қисми анъанавий миллий хунарамандчилик марказлари ҳисобланувчи минтақаларда — Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм, Наманган, Самарқанд вилоятларида ташкил этилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, дастурнинг кўрсаткичларини иқтисодий жиҳатдан асослаш, яратилаётган иш ўринларининг ҳаққонийлигини ошириш бўйича ҳар йили жиддий чоралар қўриляпти. Дастурнинг ижросини таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз.



Раззоқ ОСТОНОВ,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси:

— Тан олиш керак, дастур ижросини сифатли ташкил қилиш энг долзарб вазифа бўлиб қоляпти. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар йили тегишли чора-тадбирлар белгиланяпти.

Келгуси йилда банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи навбатда ёшларга, хотин-қизларга, имконияти чекланган шахсларга касб-хунарга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш хизматлари кўрсатилади. Бунинг учун Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Касб-хунарга ўқитиш марказлари (КОИ-КА)нинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади. Ушбу марказларда ҳамда базавий касб-хунар коллежларида ишсиз фуқаролар машинасозлик, электротехника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишларида қайта ўқитилади ва малакаси оширилади.

Бундан ташқари, 2017 йилда 508,8 минг нафардан зиёд касб-хунар коллежлари, ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мўлжалланган. Келгуси йил коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича янги услублар ҳам қўлланилади.

Масалан, махсус интернет порталида «Ўз бизнесингни ярат» руҳини жойлаштириш белгиланган. Шунингдек, «Бизнес го» тизимини жорий этиш мўлжалланган. Бунда тадбиркорларнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш назарда тутилган.

Умуман олганда, 2017 йилда корхоналар (иш берувчилар), коллежлар, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан имзолангандаги тўрт томонлама шартномаларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга жиддий эътибор берилди. Коллеж битирувчиларини ишга қабул қилганлик учун кичик корхоналарга тақдим этилган имтиёزلардан тўлароқ фойдаланилади, барча вилоятлар марказларида, йирик шаҳар ва туманларда салоҳиятли иш берувчилар иштирокида ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилади. Тижорат банклари томонидан ёшларнинг ўз ишини бошлаши ва юритиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш амалиёти изчил давом эттирилади.



Зайнаб БЕРДИЕВА,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси:

— Бандлик дастури мамлакатимиз тараққиёти, оилалар фаровонлиги билан боғлиқ энг муҳим ҳужжатлардан бири. Шунинг учун унинг ижросини таъминлашда ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб интилишимиз керак.

Дастурнинг ижро механизмининг такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида ургу берилляпти. Жумладан, келаси йил Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг электрон ахборот тизимидан фойдаланилиб, дастурнинг туман ва шаҳарлар, тармоқлар ва аниқ корхоналар бўйича бажарилиши доимий мониторинг қилинади.

Дастур ижроси реал вақт режимида таҳлил этиб борилади. Ушбу механизм ортда қолиш қузатилган корхоналар ва тармоқларни, туман ва шаҳарларни аниқлаш имконини беради. Шу орқали қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли комиссиялар фаолияти янада кучайтирилади. Масалан, улар томонидан ўтказиладиган йиғилишлар (туман даражасида — икки ҳафтада камида бир марта, вилоят ҳокимлиги даражасида — бир ойда камида бир марта) жадваллари тасдиқланади. Вилоят даражасидаги битта йиғилишда камида 2-3 тумандаги тегишли муаммолар лойиҳаларини, туман даражасида эса камида 10-15 муаммолар ҳолатларини кўриб чиқиш белгиланган.

Комиссияларнинг тасдиқланган баёнлари ва уларни бажариш бўйича назорат-режалари Меҳнат вазирлиги сайтига жойлаштирилади. Ана шу чора-тадбирларнинг барчаси Дастур ижросини таъминлашда, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ СЕМИНАР

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Термиз шаҳрида ўтказилган семинар Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжалиқларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга бағишланди.

Тадбирда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзмиллийбанк» кўмагида Сурхондарёда 15 агрофирма ташкил қилингани таъкидланди.

Шунингдек, мева-сабзавотчилик соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

саклаш ва қайта ишлаш бўйича 48,7 миллион долларни ташкил қилган 45 лойиҳа тайёрлиниб, уларни молиялаштириш ишлари олиб борилаётгани эътироф қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг таъсисчилигида 64 агрофирма ташкил қилинган ва улар томонидан 692 миллион



долларлик экспорт шартномалари тузилган. Манфаатли ҳамкорлик туфайли

агрофирмалар томонидан Россия, Қозғистон, Корея Республикаси, Хитой ва

бошқа мамлакатларга 41,6 миллион долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

экспорт қилинди.

Мазкур жамғарма агрофирмалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар, фермер ва деҳқон хўжалиқлари «Ўзмиллийбанк»дан имтиёзли равишда 299 миллион сўм кредит олишига қўмаклашди.

Хуллас, яқунлаётган йилда жамғарма томонидан 625 та қишлоқ хўжалиги соҳасида банд фермер хўжалиқлари ва тадбиркорлик субъектларига маҳсулот экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва турли молиявий хизматлар кўрсатилиб, 227 тадбиркорлик субъектлари томонидан 457,2 миллион долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилинган.

Семинарда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар билдирилди. Зеро, экспорт салоҳиятининг юксалиши мамлакат тараққиёти ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

■ Аҳолининг маърифати, маданиятини юксалтиришда тарғиботчиларнинг хизмати катта.

СПОРТ

Ўсмирларимиз ютуғи

Шу кунларда Лимассол (Кипр) да самбо бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Унда мамлакатимиз ёш полвонлари тўлиқ таркиб билан қатнашапти.

Беллашуларнинг дастлабки кунинда ҳамюртларимиздан Тўрабек Исмоилов (72 кг) гиламга чиқди. Умидли полвонимиз учрашуларнинг барчасида муваффақият қозонди. Тўрабек ҳал қилувчи баҳсда россиялик Андрей Веселовни маглубиятга учратиб, олтин медални кўлга киритди.

Мусобақанинг иккинчи кунинда истеъдодли спортчиларимиздан бири Комила Нурова (48 кг) муносиб иштирок этди ва бронза медалига сазовор бўлди.

Баҳслар давом этмоқда.

Терма жамоамиз кимлар билан ўйнайди?



Футбол бўйича 2018 йили Россияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси учинчи саралаш босқичида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги учрашувни келаси йилнинг 23 мартда сафарида Сурия футболчиларига қарши ўтказди.

Режага кўра, Самвел Бабаян бош мураббийлик қилаётган жамоамиз январь ойида Бирлашган Араб Амириклари, февралда эса Туркияда ўқув-машгулот йиғинлари ташкил этади.

Муҳим учрашув олдида ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтаб берадиган ўшбу йиғинлар доирасида футболчиларимиз бир нечта ўртоқлик ўйинларида майдонга тушишди. Жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси январь ойида Грузия, февралда эса Арманистон вакиллари билан куч синашади.

Жонибекнинг бронзаси



Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида спорт курашлари бўйича Олимпия ўйинлари дастурига киритилмаган вазн тоифаларидаги полвонлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақанинг юнон-рум кураши беллашуларида Осиё чемпионати совриндори Жонибек Отабеков (80 кг) бронза медални билан тақдирланди. Ҳамюртларимиз ҳал қилувчи баҳсда грузиялик Николаз Келасовни маглубиятга учратди ва шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Жаҳон чемпионатининг эркин кураш баҳсларида гиламга чиққан яна бир вакилимиз Рашид Курбонов (70 кг)дан ҳам мутахассисларимиз медалга қўлишгани. Аммо у бронза медални ўзининг кечган учрашувда эронлик Мустафа Хусейнонига кичик ҳисобда имкониятни бой берди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси»

Ўзбек миллий академик драма театрида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан турли вазирликлар, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» аъёнвий кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган маънавий-маърифий мавзулардаги китоблар кўргазмаси билан бошланди. Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Нодир Қосимов, танлов ғолиблари — Тошкент ислом университети катта ўқитувчиси Саидфазл Саиджоллов, Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессори Раҳимбой Жуманиёзов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларнинг аҳамияти ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдаги роли ҳақида фикр юритдилар.

Шундан сўнг кўрик-танлов ғолибларига Марказ томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Бу тадбир Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 24 йиллиги арафасида, йил якунида ўтказилаётгани бежиз эмас, — дейди



Вилоят бўйича «Камолот» ЁИХ шаҳар ва туман бўлимлари «Isuzu» автобуслари билан таъминланган бўлиб, энг чекка қишлоқларга бориб турли тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказиш имкониятига эгамиз.

танлов ғолиби, Республика Маънавият тарғибот маркази Фаргона

вилояти бўлими раҳбари **Файзулла Зоҳидов**. — Чунки бу ерда ҳамкасблар билан ўзаро таъриба алмашамиз, энг илғор таърибаларни ўрганимиз ва келгуси йилги маънавий-маърифий ишлар йўналишини белгилаб оламиз, дастурларни шакллантирамиз.

Биз жамоатчилик асосида тўртта йўналишда тарғибот ишларини йўлга қўйганмиз. Яқинда марказ ташаббуси билан ёш тарғиботчилар гуруҳи ташкил этилиб, унга «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими билан ҳамкорликда 40 нафарга яқин ёшларни жалб этдик. 176 нафар тарғиботчимиз бор, уларнинг энг фаоллари вилоят маънавият тарғибот Кенгаши қарори би-

лан рағбатлантирилиб борилади. Вилоят бўйича «Камолот» ЁИХ шаҳар ва туман бўлимлари «Isuzu» автобуслари билан таъминланган бўлиб, энг чекка қишлоқларга бориб турли тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказиш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари, 16 минг нусхада чоп этилаётган «Маънавият» номли газетамиз саҳифаларида ёшлар ҳаётига оид долзарб масалаларни ҳам ёритиб борамиз. Тадбир якунида Ўзбек миллий академик драма театри санъаткорлари томонидан саҳналаштирилган «Мирзо Улуғбек» спектакли намойиш этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бамияни биласизми?

Олтинқўл туманининг Кўмакай қишлоғида истиқомат қилувчи Мансурбек Каримов Андижон вилоятида ўтказилган мева-сабзавот ярмаркасида ўзи етиштирган бамияни намойиш этди.

Хўш, бамия қандай неъмат ўзи?

Бамия бир йиллик сабзавот бўлиб, Америка, Шимолий Америка ва Ҳиндистонда ўстирилади. Кейинроқ Европада кириб келган. Айни пайтда Украинада ҳам етиштирилмоқда.

Бамия асосан иссиқхоналарда ўстирилади. Бўйи 40 сантиметрдан икки метрга етиши мумкин.

— Бамиянинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида эшитиб, қизиқиб қолдим, — дейди Мансурбек. — Агротехникасини ўрганиб, август ойида

16 сотих иссиқхонага уруғини эдик. Қўриб турганингиздек, ҳосил тугунчалари кўпайди. Бақлажонга ўхшаш ямғирли баргли экин тупларининг ҳар бирида 5-8 тагача мева етиляпти.

Мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига қараганда, бамия витаминларга бой, парҳез таом истеъмол қилувчиларга манзур бўларли егулик. Қандли диабет, ангина, астма, атеросклероз, ошқозон-ичак хасталикларидан халос бўлишда асқотади. Организмда қанд микдорини меъёрлаштириш хусусиятига эга.

Шифокорлар бамияни аёллар ҳомиладорлигининг дастлабки пайтларида таъсия этишади.

Тажрибали деҳқонлар ўшбу сабзавотни август-ноябрь ойларида хариб қилган маъқуллигини айтишмоқда. Уй шароитида қозғоз пакетга ўраб, уч кунгача музлаткида сақлаш мақсадга мувофиқдир.

— Ҳосил етилди, харидорларни топишим керак, — дейди Мансурбек. — Келгусида бамияни экспорт қилиш ниятидаман.

Мансурбек бошлаган эзгу ҳаракатга бошқа деҳқонлар ҳам бош қўшса, албатта юртдошларимиз дастурхонида доривор неъмат сероб бўлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат.

ТАДБИР

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театрида бўлиб ўтган ижодий кечада театр актёрлари Авазбек Қодиров ҳамда Дилфуза Қодироваларнинг ўзига хос истеъдод қирралари, эътироф қилинди, олқишланди.

Оила ва саҳнанинг

машаққатли йўлларини бирга босиб ўтишмоқда

Тақдир туташтирган икки қалб, мана, 28 йилдики, оила аталган муқаддас кўрғонга нур тарапти, 30 йилдики, Алишер Навоий номидаги вилоят драма ва комедия театрида биргаликда ижод қилишади.

Вилоят театри саҳнасида намойиш этилган ўйнаб асарлардаги бир қатор образлар Авазбек Қодиров истеъдоди ва маҳоратидан сайқалланган бўлса, «Қашмир қўшиғи»даги илк бош роли — Наргизадан тортиб, юқорида саналган спектакллардаги аёл образлари орқали эътироф қозонган актриса Дилфузахонимнинг маҳоратида истеъдод жилоси мужассам.

Оилавий санъаткорлар миллий телерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» канали, «Наманган» телевидениеси орқали намойиш этилган «Меҳмон-жонлардан ўргилай» каби кўпжаз спектакль ҳамда кўрсатувларда иштирок этиб келишмоқда.

Ижодий кечада Авазбек ва Дилфузахоним ижросида «Баҳор шамол», «Супер қайнона», «Тақдир эшиги» спектаклининг парчалари, «Олтин замин» кулгиҳонасининг қатра хандалари, жонли қўшиқ ижролари барчада катта таассурот қолдирди.

Кечада сўзга чиққан вилоят театри директори Озода Усмонова, Ўзбекистон санъат арбоби Карим Йўлдошев ва бошқалар оилавий санъаткорларнинг ижодига юксак баҳо бердилар. Ижодий кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИҚҚАТ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ КУНЛАРИ!

Маълумки, қиш мавсуми келиши билан газдан, электр иситиш жиҳозлари, кўмирдан фойдаланишга талаб ортиб, корхона-ташкilotларда, аҳоли яшаш жойларида ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли ҳам кўпаяди. Айниқса, носоз жиҳоз ёки иситиш асбоблари-дан фойдаланиш ёнғинларни келтириб чиқармоқда. Бунинг оқибатида фожиалар юз бермоқда ва фуқароларга, идора-ташкilotларга катта иқтисодий зарар етказилмоқда. Шунинг учун ҳам уйимизни ва ишлаб турган корхона ҳамда ташкilotимизни ёнғиндан сақлаш чораларини кўриш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Сергак ва хушёр бўлайлик



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республика аҳамиятига эга объект ҳисобланади. Корхонада ҳар бир ишчи-ҳодимдан ўз ишини яхши билиши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиши талаб этилмоқда.

Жамоада ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхона раҳбарияти, техника хавфсизлиги, 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ҳамкорлигида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун заводнинг ҳар бир цехида ишчи-ҳодимлар билан навбатдан ташқари йўриқномалар, тактик амалий машғулотлар ташкил этилди. Ўт ўчириш воситаларининг созлиги кўриқдан ўтказилди.

Бу тадбирлар ҳар бир ишчи-ҳодимни сергакликка ундамоқда ҳамда офатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шавкат ТОВБОЕВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи
11-цехи бошлиғи.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-8/-6
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-3/+2
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	-3/+2
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	0/+4
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	-2/+3
Тошкент шаҳри	-2/+3

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент фармацевтика институти жамоалари Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, профессор Ҳабибулла Жалиловга волидай муктарамаси

Мухаббатхон ЖАЛИЛОВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1259
8765
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:37
Topshirilgan vaqti — 01:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusallim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 4 5 6